

ДЖУРАЕВ Р.Х., ТУРГУНОВ С.Т.,
АХМЕДОВА Н.К.

ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИ

(назария ва амалиёт
масалалари)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ДЖУРАЕВ Р.Х., ТУРҒУНОВ С.Т., АХМЕДОВА Н.Қ.

ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИ

**(назария ва амалиёт
масалалари)**

Тошкент - 2013

Мазкур ўқув қўлланма Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, қўлланмада умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари, бошқарув фаолияти модели, умумий ўрта таълим муассасаларида ташкилий тузилиш ва бошқарув тамойиллари, бошқаришнинг функция ва методлари, умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда ҳамкорлик, таълим муассасаларида бошқарув жараёнини такомиллаштириш омиллари, таълим муассасаси раҳбарларининг иш вақти ва ундан фойдаланиш, таълим муассасасини бошқариш технологиялари, бошқаришда инновацион фаолият, таълим муассасалари раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги, умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликдаги бошқарув каби масалалар ёритилган.

Ўқув қўлланма А1-ХТ-1-33147 - “Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари” номли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш курслари тингловчилари учун “Таълим бошқаруви (менежменти): назария ва амалиёт масалалари” курси ўқув дастури асосида тайёрланган.

Масъул муҳаррир:

Х.Ф.Рашидов

- Педагогика фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:

Ш.Қ.Мардонов

- Педагогика фанлари доктори

Ш.Т.Халилова

- Педагогика фанлари доктори
профессор



КИРИШ

**Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон
унинг ишни ташкил қила билиш қобилиятидадир.**

И. А. Каримов

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар, таълим тизимини модернизация қилиниши, инновацион технологияларни кенг ўзлаштирилиши, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табакалаштирилган ёндашувни жорий этилиши ҳамда таълим-тарбия жараёнларини дидактик жиҳатдан замонавий технологиялар билан таъминланиши таълимни бошқариш тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

Демак, мамлакатимизда баркамол шахсни шакллантириш масаласи давлат сиёсати доирасига кўтарилган бўлиб, шахс, давлат ва жамият, таълим, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб баркамол шахсни шакллантиришда умумий ўрта таълим муассасаларининг интегратив табиатига мос ривожлантирувчи стратегияларни танлаш ҳамда педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашга инновацион ёндашувларни қўллаш ва улардан мазмун-моҳиятига кўра тўғри фойдаланиш бугунги куннинг энг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Бу ўз навбатида, умумий ўрта таълим муассасалари (УЎТМ) раҳбарлари зиммасига таълим, фан, техника ва технологияларнинг жаҳон миқёсидаги ютуқларини, янгиликларини татбиқ этган ҳолда педагогик жараёни илмий асосда ташкил этиш ва уни лойиҳалаш йўналишлари, шунингдек, бошқарув фаолиятида вужудга келаётган ноанъанавий муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида турли янги вазифаларни юклайди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун УЎТМ раҳбари таълим муассасида вужудга келадиган муаммоли вазиятларда ҳам раҳбарларга хос равишда, ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатиши, жамоада мавжуд бўлган сунъий тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишда, турли йўналишларда қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини ўрганиши, бошқарув жараёнида тарбиявий муносабатлар мавжудлиги ҳамда тарбиявий муносабатларда “раҳбар” муносабатларининг кўп қиррали эканлиги, бошқарув жараёнида ўзаро бевосита таъсирлар мавжудлигини эътиборга олиши муҳим аҳамият касб этади.

Демак, УЎТМ раҳбари бошқарув йўналишида компетентли, яъни таълим муассасасини бошқаришда инновацион ёндашувларга асосланадиган ва зарур педагогик ва психологик сифатларга эга бўлган, юқори даражада ўзини-ўзи назорат қила оладиган, шунингдек, шахслараро муносабатларда тарбиявий муносабатларни эътиборга оладиган ҳамда турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий мезонларга асосланадиган мутахассис бўлиши зарур.

Олдинги даврлардаги каби, бугунги кунда ҳам УЎТМ раҳбари ўз касбининг “сирларини” тўла билади (ёки билмайди), ўзининг

функционал вазифаларини тушуниб етади (ёки тушунмайди) ва ўз фаолиятини таҳлил қилиш орқали йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш асосида бошқарув фаолиятини такомиллаштириб боради (ёки эътиборсиз бўлади). Натижада УЎТМ раҳбарларини кўпчилигининг ўзини-ўзи ривожлантириш имкониятлари билан уларнинг бошқарув фаолияти, яъни касбий фаолиятига қўйилаётган замонавий талаблар ўртасида зиддиятлар вужудга келади.

Мазкур зиддиятлар педагогик жамоа раҳбарининг турғунликка нисбатан табиий интилишлари ҳамда эски тасаввурларидан воз кечиш, муҳим аҳамиятга эга бўлган, янги инновацион тизимни вужудга келтириш технологияларини амалиётга татбиқ этишга мажбур қилади. Бу ўз навбатида раҳбардан инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ функцияларни бажариш ҳамда мавжуд муаммоларни жамоа аъзолари билан биргаликда, коллегиял ҳал қилишни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш, бир сўз билан айтганда касбий компетентлигини ривожлантириш заруратини белгилайди.

УЎТМ раҳбарининг касбий компетентлиги бошқарув йўналишидаги тушунчалари даражаси, малакаси ва тажрибаси, ташкилотчилик, омилкорлик, коммуникативлик ва креативлик қобилиятлари, унинг ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим муассасасини бошқариш йўналишидаги шахсий имкониятлари орқали белгиланади.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлиги таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришишда таълим муассасасини ривожлантириш учун хизмат қиладиган инновацион ғояларни амалга ошириш ҳамда жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги инновацион фаолиятини ташкил этишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Бошқарувда компетентлик замонавий илмий тадқиқотларда фалсафий дунёқараш, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳият, яъни УЎТМ раҳбарининг касбий имкониятлари салоҳияти сифатида кўриб чиқилади. Мазкур салоҳият фаолиятнинг бошқарув объектига йўналтирилганлиги ҳамда бошқарув объектининг ижтимоий муҳитдаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Шундай экан, УЎТМ фаолияти самарадорлигини ошириш учун таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, касбий компетентлигини ривожлантириш йўналишида ташкил этиладиган режали малака ошириш курслари билан бир қаторда, таълим муассасаларида узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш, яъни раҳбарлар учун алоҳида махсус курслар, ўқув-семинарлария ташкил этиш зарур. Шунингдек, таълим муассасаларида раҳбарлар ва педагог ходимлар учун узлуксиз малака ошириш хоналарини ташкил этиш ва ўқув-методик маҳсулотлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.